



ANALYSIS OF LEGAL MODELS RELATED TO THE LEGAL STATUS OF PERSONS PARTICIPATING IN ADMINISTRATIVE COURT PROCEEDINGS

Guljakhon Madrakhimova

Independent Researcher at Tashkent State University of Law

guljaxonmadraximova@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Administrative justice, procedural status, legal models, German administrative courts, French model, Anglo-Saxon system, Scandinavian model, Eastern Europe, public-law disputes, legitimate interest.

Received: 10.11.25

Accepted: 11.11.25

Published: 12.11.25

Abstract: This article examines the legal status of participants in administrative court proceedings through a comparative analysis of major foreign legal models. The study reviews the German, French, Anglo-Saxon, Scandinavian, and Eastern European–Baltic models of administrative justice, focusing on the procedural position of participants and the role of the court in resolving public-law disputes. The article identifies similarities and differences between these models and the administrative court procedure of Uzbekistan. Based on the analysis, it concludes that the administrative justice system of Uzbekistan is closest to the German legal model.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР ҲУҚУҚИ МАҚОМИГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МОДЕЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Гулжаҳон Мадраҳимова

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

guljaxonmadraximova@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маъмурий судлов, процессуал мақом, ҳуқуқий моделлар, Германия маъмурий судлари, француз ҳуқуқи, англо-саксон ҳуқуқи, скандинав модели, Шарқий Европа, оммавий-ҳуқуқий низолар, ҳуқуқий манфаат.

Аннотация: Ушбу мақолада маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми масаласи хорижий ҳуқуқий моделлар асосида таҳлил қилинган. Немис, француз, англо-саксон, скандинав ҳамда Шарқий Европа–Балтик давлатлари

маъмурий судлов тизимида иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақоми, суднинг процессуал роли ва оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишдаги ёндашувлар қиёсий ўрганилган. Мақолада Ўзбекистон маъмурий суд иш юритуви тизимининг мазкур моделлар билан ўхшаш ва фарқли жihatлари белгиланиб, миллий ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишлари юзасидан илмий ҳулосалар берилган. Таҳлил натижасида Ўзбекистон маъмурий судлов тизимини немис ҳуқуқий моделига яқин экани ҳақида ҳулосага келинган.

АНАЛИЗ ПРАВОВЫХ МОДЕЛЕЙ, СВЯЗАННЫХ С ПРАВОВЫМ СТАТУСОМ ЛИЦ, УЧАСТВУЮЩИХ В АДМИНИСТРАТИВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

Гульжахон Мадрахимова

Независимый исследователь

Ташкентского государственного юридического университета

guljaxonmadraximova@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
Административное судопроизводство, процессуальный статус, правовые модели, административные суды Германии, французская модель, англо-саксонская система, скандинавское право, Восточная Европа, публично-правовой спор, законный интерес.	В данной статье анализируется правовой статус участников административного судопроизводства на основе сравнительного исследования зарубежных правовых моделей. Рассматриваются немецкая, французская, англо-саксонская, скандинавская и восточноевропейско-балтийская модели административного правосудия, их подходы к определению процессуального статуса участников и роли суда в разрешении публично-правовых споров. Определены общие и отличительные черты указанных моделей и административного судопроизводства Узбекистана. На основе анализа сделан вывод о близости узбекской модели к немецкой системе административной юстиции.

Маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришда маъмурий суд иш юритувига оид бўлган ҳуқуқий моделлар таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

Маъмурий ишлар юзасидан ишлар кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши жараёнида маъмурий суднинг ҳуқуқий мақоми унинг қуйидаги жihatлари орқали тавсифланади:

ваколатлари; ваколатларнинг юзага келиш асослари; фаолият принциплари; бошқарув органларининг маъмурий актлари устидан назорат чегаралари; тарафларни яраштириш бўйича ваколатлари; қабул қилинган суд қарорларининг ижросини таъминлаш ваколатлари.

Маъмурий суд иш юритувида ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми нуктаи назардан 5 та ҳуқуқий моделга ажратиш мумкин. Булар қуйидагилардан иборат.

1. Немис ҳуқуқий модели;
2. Француз ҳуқуқий модели;
3. Англо-саксон ҳуқуқий модели;
4. Скандинав ҳуқуқий модели;
5. Шарқий Европа ва Болтиқ давлатлари ҳуқуқий модели.

Германияда маъмурий суд ваколатлари даъвогар томонидан маъмурий даъво аризаси киритилиши орқали бошланади. Бу ариза маъмурий даъвогар томонидан, даъво предмети бўлган маъмурий актни қабул қилган маъмурий органда ишни мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш тартибини бажаргандан сўнг тақдим этилади. Қонун билан белгиланган айрим ҳолатларда, бундай даъвони тўғридан-тўғри судга тақдим этиш ҳам мумкин. Маъмурий даъвогарлар давлат органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда индивидуал маъмурий актларни ҳам суд тартибида баҳслашиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунга кўра, Германия маъмурий судлови қуйидаги икки турга бўлинади:

1. Маъмурий судлар ёки Федерал маъмурий суд томонидан кўриб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш бўйича иш юритиш;
2. Биринчи инстанция маъмурий судларида кўриб чиқиладиган индивидуал маъмурий актлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар.

Германияда маъмурий судлар фаолияти суднинг фаол иштироки принципига асосланади. Бу принцип қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:

Биринчидан, далилларни суд томонидан фаол равишда йиғилади. Суд иш юритиш доирасида ҳолатларни ҳақиқатга мос ҳолда аниқлаш мақсадида, иш бўйича далилларни ўз ташаббуси билан талаб қилиб олади. Бу жараён қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Иккинчидан, суд фактик ҳолатларни тўлдиради. Суд иш бўйича фактик ҳолатларни тўлиқ аниқлашни таъминлайди ва зарур бўлса, даъвогар ёки жавобгар келтирмаган ҳолатларни ҳам ўрганиш билан текширувни тўлдиради.

Учинчидан, суд даъвогарнинг далиллари билан чекланмайди. Оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишда суд фақат даъвогар келтирган далиллар билан чекланмайди. У ишни холис ва тўлиқ ўрганиш мажбуриятини бажаради.

Умуман олганда, Германия ва Ўзбекистонда маъмурий суд иш юритувида суднинг процессуал мақомини ҳуқуқий тартибга солишда умумий жиҳат маъмурий суд ва умумий юрисдикция суди ўртасида ваколатларни фарқлашда ўхшаш моддий мезоннинг қўлланилиши ҳисобланади. Бу жамоат эҳтиёжларини қондиришга қаратилган давлат органларининг ҳокимият ваколатлари бўлиб, улар фақат оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади ва хусусий ҳуқуқ нормалари қўлланилиши истисно қилинади.

Бундан ташқари, ҳар икки мамлакатда суд ваколатларининг юзага келиш асосларини тартибга солишнинг ўхшаш механизми амал қилади. Хусусан, жисмоний ёки юридик шахс ўзининг субъектив жамоат ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилганда, суд унда юридик манфаат мавжудлигини текширади. Агар бундай манфаат мавжуд эмаслиги аниқланса, суд маъмурий даъво аризасини қабул қилишни рад этади.

Германия маъмурий суд иш юритувида суд оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш ваколатини амалга оширар экан, у ерда суднинг фаол иштироки тамойили амал қилади. Бу тамойил ишда ночор ёки кучсизроқ томонни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, у Ўзбекистон маъмурий суд иш юритувида суднинг фаоллик тамойилига ўхшашдир.

Француз ҳуқуқий моделига Франция, Бельгия, Италия, Греция ва бошқа давлатларни киритиш мумкин.

Континентал ҳуқуқ анъаналарига асосланган мамлакатларда маъмурий суд иш юритув тизимининг ташкил этилиши чуқур тарихи ва ҳуқуқий илдизларга эга. Бу эса давлат органларининг фуқароларга нисбатан қилган ҳаракатларига нисбатан ҳуқуқий ҳимояни таъминлашда суд ваколатларининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берган.

Мазкур ҳуқуқий моделнинг асоси Францияга бориб тақалади. Ушбу давлатдаги маъмурий иш юритув моделининг мазмунини тушуниш учун қуйидаги масалаларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, қайси давлат органи фуқароларнинг ҳуқуқларини давлатнинг ноқонуний ҳаракатларига қарши ҳимоя қилиш ваколатига эгаллигига оид саволга жавоб топиш лозим. Францияда бу вазифа Маъмурий судлар тизимига, айниқса Давлат кенгашига (Conseil d'État) юкланган. Давлат кенгаши маъмурий судловнинг энг юқори инстанцияси ҳисобланади ва у нафақат конкрет низоларни ҳал қилади, балки норматив ҳужжатларнинг ҳуқуққа мувофиқлигини ҳам баҳолайди.

Умуман олганда, Франция ва Ўзбекистонда маъмурий суд ҳамда умумий юрисдикция суди ўртасида ваколатларни тақсимлашда ўхшаш моддий мезон қўлланилади. Ушбу мезон давлат органларининг жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳокимият ваколатларини ўз ичига олади ва ушбу фаолиятни давлат ҳокимиятининг оммавий ҳуқуқ

нормалари орқали тартибга солишини назарда тутати, шунингдек, хусусий ҳуқуқ нормаларининг қўлланилишини истисно этади.

Ҳар икки давлатда ҳам оммавий ҳуқуққа оид низолар юзасидан суд ваколатлари вужудга келиши учун ўхшаш ҳуқуқий механизмлар мавжуд. Бундай ваколатлар манфаатдор шахс томонидан низони ҳал этиш учун судгача (маъмурий) тартибни танлаши орқали суд ваколатининг юзага келиши ёки муайян тоифадаги низоларни тегишли давлат органи томонидан мажбурий тартибда олдиндан кўриб чиқилиши талаб этиладиган ҳолатлар каби асосларга боғлиқ бўлади.

Англо-саксон ҳуқуқий модели шаклланишининг назарий асоси сифатида ҳуқуқ устуворлиги доктринаси хизмат қилган. Унинг моҳияти давлат ҳукмдорларининг қонун, урф-одат ва суд прецеденти шаклидаги умумий ҳуқуқ нормаларига бўйсунлишида ифода топади¹.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқ устуворлигини таъминловчи органлар қиролик судлари бўлиб, улар хусусий ва оммавий ҳуқуқ соҳасидаги ишларни фуқаролик судлов қоидалари асосида кўриб чиқиш ва ҳал этиш ваколатига эга. Бу жиҳатдан улар қитъа ҳуқуқи тизимида мансуб мамлакатлар (Франция, Германия) судларидан фарқ қилади.

Умуман олганда, Англия ва Ўзбекистонда маъмурий судловда биринчи инстанция судининг процессуал мақомини ҳуқуқий тартибга солишда умумий жиҳат шундаки, суднинг оммавий-ҳуқуқий низолар бўйича ваколатлари юзага келишининг асоси ҳуқуқий ҳимоя сўраётган шахснинг субъектив оммавий ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳуқуқий манфаатининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини суд томонидан текшириш ҳисобланади. Агар суд бундай манфаат мавжуд эмас, деб топса, у ҳолда маъмурий даъво аризасини қабул қилишдан бош тартади. Бундан ташқари, манфаатдор шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун аввало оммавий-ҳуқуқий низони ҳал этиш ваколатига эга органга мурожаат қилиши, сўнгра судга мурожаат қилиши мумкин ёки тўғридан-тўғри судга мурожаат этиши ҳам мумкин.

АҚШ ва Ўзбекистонда маъмурий судловда суднинг процессуал-ҳуқуқий мақомининг ҳуқуқий тартибга солинишдаги фарқлари қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади. АҚШда оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишда мажбурий равишда аввал маъмурий трибуналда кўриб чиқиш тартиби амал қилади. Бу қоида фақат қонунни талқин қилиш зарур бўлган ҳолатлар ёки манфаатдор шахснинг маъмурий трибуналда ишни давом эттириш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда истисно қилинади.

Скандинав ҳуқуқий моделига Швеция, Норвегия, Финляндия, Дания каби давлатларни киритиш мумкин. Ушбу давлатларда маъмурий суд иш юритувида фуқаролар ва маъмурий органлар ўртасида тенглик ва очиқлик тамойили устувор ҳисобланади. Ишда

иштирок этувчи шахслар ҳуқуқий мақоми кенг таърифланади. Хусусан, шахс, жамоат бирлашмаси ва бошқа манфаатдор томонлар. Суд муҳокамаси доимий равишда рақобатли эмас, балки кўпинча таҳлил ва муносабат асосида амалга оширилади.

Шарқий Европа ва Болтиқ давлатлари ҳуқуқий модели Эстония, Латвия, Литва, Польша, Чехия, Словакия, Словения, Венгрия каби давлатларни киритиш мумкин. Маъмурий суд иш юритуви континентал тизимдан таъсирланган, лекин миллий хусусиятлар мавжуд. Даъвогар сифатида иштирок этиш ҳуқуқи асосан “ҳуқуқий манфаат” (legitimate interest) га боғлиқ. Қуйида мазкур моделнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилсак.

Хорижий моделларни таҳлил қилиш орқали маъмурий суд иш юритувида ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқий мақомига оид миллий қонунчиликни ҳам ўзига хос ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжудлигини кўриш мумкин.

Шу ўринда савол туғилади. Ўзбекистон юқоридаги моделлардан қайси бирига киради? Бизнингча, Ўзбекистон маъмурий суд иш юритуви тизимини немис ҳуқуқий моделига киритиш мумкин. Буни биз алоҳида маъмурий судлар мавжудлиги(юқори бўғин судлари бундан мустасно), жисмоний ёки юридик шахс ўзининг субъектив оммавий ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қила олиши, суднинг фаол иштироки принципи ва бошқа ўхшаш томонлари мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон маъмурий судлов модели судларнинг ваколатлари ва бошқа қатор жиҳатлар бўйича умумжаҳон тенденциялари йўналишида ривожланиб бораётгани ҳамда маъмурий юстициянинг кўплаб асосий тамойилларини ўзида мужассам этганини қайд этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Maier Ch. Der Weg zu einer eigenständigen Verwaltungsgerichtsbarkeit in der Russischen Föderation. Probleme des Verwaltungsschutzes in modernen Russland // Druncker & Humblot GmbH. Berlin, 2015. S. 30; Capitant D. § 35 Gerichte der Verwaltungsgerichtsbarkeit in Frankreich // Karl-Peter Sommermann, Bert Schaffarzik Handbuch der Geschichte der Verwaltungsgerichtsbarkeit in Deutschland und Europa. Springer-Verlag GmbH Deutschland, ein Teil von Springer Nature. 2019. S. 1336–1371.

2. Апарова Т. В. Суды и судебный процесс Великобритании. Англия, Уэльс, Шотландия. М., 1996. С. 11; Уэйд Е. С., Филлипс Д. Д. Конституционное право // отв. ред. С. Б. Крылов. М., 1950. С. 61; Шмелев И. В. Особенности процесса пересмотра административных актов в административном суде Великобритании // Теория и практика общественного развития. Красно дар, 2014. № 10. С. 189.

3. Г.Мадраҳимова. Xalqaro tajribada ma'muriy sud ishlarida ishtirok etuvchi shaxslarning huquqiy maqomi va uning O'zbekiston amaliyotiga ta'siri. New scientific perspectives at the intersection of language, culture and technology

Volume 01, Issue 01, 2025. B.14-19.

4. Г.Мадраҳимова. Ma'muriy sud ishlarida fuqarolarning protsessual huquq va majburiyatlarini ta'minlashning amaliy mexanizmlari. Germany Conference on Experience and Research Volume 01, Issue 01, 2025. B.13-18.

5. Verwaltungsgerichtsordnung (VwGO), §65-66. <https://www.gesetze-im-internet.de/vwgo>

6. Bruns, M., & Steen, T. (2007). From incremental to Copernican reform?: Changes to the position and role of senior civil servants in the Belgian Federal Administration. In E.C. Page & W. Wright (Eds.), From the active to the maintenance state (pp. 63-80). Basingstoke: Palgrave Macmillan. doi: 10.1057/9780230288768_4.

7. Bourgault, J. (2011). Canada's senior public service and the typology of Bargains: From the hierarchy of senior civil servants to a community of "controlled" entrepreneurs. Public Policy and Management, 26(2), 253-275. doi: 10.1177/0952076710391517.